Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими
бюджетларининг ғазна ижроси қоидаларига
8-ИЛОВА

**19.08.2022 даги**

**QURUVCHI VA TAMINOTCHI MCHJ ва Гулистон туман 70-мактаб интернати ўртасида 875135315,00 сўм умумий суммага тузилган 1 - сонли шартномага**

## ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб 075

Шахсий ғазна хисобварақ 100021860242207092300075001

сўмда

| 2022 й. ойлар номи. | Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди) | | | Жами |
|---|---|---|---|---|
| | 4331200 | | | |
| Январь | | | | |
| Февраль | | | | |
| Март | | | | |
| Апрель | | | | |
| Май | | | | |
| Июнь | | | | |
| Июль | | | | |
| Август | 875 135 315,00 | | | 875 135 315,00 |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | | | | |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | | | | |
| **Жами йил бўйича** | **875 135 315,00** | | | **875 135 315,00** |

Жами 875135315,00 сўм

Саккиз юз етмиш беш миллион бир юз ўттиз беш минг уч юз ўн беш сўм 00 тийин

сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 262540594,50 сўм ёки 30,00%*** шартноманинг умумий суммасидан ______ % ***20___ _______________ ойида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига ______% жорий ойнинг _____ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари _______________ (имзо) Маматов Махмуджон Мухаммадович Ф.И.Ш.

М.Ў.

Буюртмачи бош бухгалтери _______________ (имзо) Абдухакимов Пулатжон Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг ходими қабул қилди _______________ (имзо)

«___» _________________ 20___й.

Буюртмачи ходими қабул қилди _______________ (имзо)

«___» _________________ 20___й.

**ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 1**

**2022 йил 19 август** **Гулистон тумани**

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган **70-мактаб интернат** номидан ***Низом*** асосида иш юрутувчи **М.Маматов** бир томондан ва ***"Курувчи ва Таъминоти" МЧЖ*** кейинги ўринда "Пудратчи" деб юритиладиган номидан Низом асосида иш кўрувчи ***И.Равшанова*** иккинчи томондан, ***бўйича пудрат шартномасини тузди лар.***

## I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

**Қурилиш объекти** – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган объект.

## II. ШАРТНОМАНИНГ МАВЗУСИ.

| № | Товарлар ва хизматлар номи | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Бирлик учун контракт нархи | Контрактнинг умумий қиймати (битим суммаси) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 70-мактаб интернат ошхонаси биносини мукаммал таъмирлаш | комп | 1 | 875135315 | 875135315 |

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан лойихада кўзда тутилган объект 70-мактаб интернат ошхона биносини лойиха-смета хужжатларига асосан мукаммал таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига мукаммал таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома бўйича тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган холда ҚҚС билан 875135315.0 ( саккиз юз етмиш беш миллион бир юз уттиз беш минг уч юз ун беш ) сўмни ташкил этади.

## IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

4. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимда назарда тутилган ишларини бажариш учун:

Барча ишларни мазкур шартномада хамда унга **1-** иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажмда ва мудатларда ўзининг кучлари (бош пудрадчи ташкилотининг иш хажми 50 фоиздан кам бўлмаслиги керак) ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

Қурилиш жараёнида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини мухофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

5. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларининг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши хамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

## V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

6. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

Ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура - қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайт этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 кун давомида Пудратчига ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятини олади;

## VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

7. Пудратчи биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

8. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган курилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 70 кунни ташкил этади.

## VII. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР.

9. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорида аванс ўтказади.

10. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган аванс мутаносиб равишда ушлаб қолиниши хисобга олган холда, бажарилган ишлар қийматининг 100 фоиз буюртмачи томонидан тасдиқланган хисоб-фактурага асосан хисобот ойидан кейинги ойида амалга оширилади.

12. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк хуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

13. Буюртамчи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу хақда қонун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган холда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш хуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун хақ тўлашдан озод қилинмайди.

## VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

14. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини-техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назорати амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.

15. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш хуқуқига эгадир.

16. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни хал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

17. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки)унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у холда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларнинг уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

## IX . ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ .

18. Пудратчи ишлар бошланишидан таъмирлаш тугаллангунча ва таъмирлаш тугалланган объект буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар объектни зарур даражада қўриқланиши таъминлайди.

19. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради .

## X . ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ.

20. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этадилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч холатлари амал қилган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

21. Агар енгиб бўлмайдиган куч холатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервапция қилиш учун қандай чоралар кўрилишини мухокама қиладилар.

22. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга хақлидир.

## XI . ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШИ.

23. Тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибда мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин амалга оширилади.

24. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

25. Пудратчи капитал таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан **5** кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаш керак.

26. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## XII. КАФОЛАТЛАР

27. Пудратчи:

Барча ишлар тўлиқ хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха хужжатларига хамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

хар ойда бажарилган ишлар хажмини тасдиқловчи (ойлик хисобат) хисоб-фактурани хисобот даврининг 28 санасига топширишни;

узи томонидан капитал таъмирлаш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилаган сертификацияларга, давлат стандартларига хамда техник шартларига мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди,

28. Объект ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши туганланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзоланган кундан бошлаб камида 6 ой этиб белгиланади.

29. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у холда кафолат муддат нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммаси Пудратчидан ушлаб қолиш хуқуқига эга.

30. Буюртмачи Пудратчи томонидан сифатли ва белгиланган муддатларда бажарилган ишлар хажмини инвестордан маблағ ажратилгандан сўнг 3 кун ичида тўлаб беришни кафолатлайди.

## XIII. ШАРТНОМА БЕКОР ҚИЛИШ

31. Буюртмачи: шартнома кучга киргандан кейин капитал таъмирлаш бошланиши Буртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда:

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даража бузилганда;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хуқуқига эга.

32. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

Қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб хуқуқига эга.

33. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

34. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

35. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

36. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасино.

## XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИК.

37. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон; иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқоролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун хужжатларида хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

38. Мазкур шартномада кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартномага шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

39. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар хажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 0,5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

40. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказилиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

41. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш хужжатарига мувофиқ бўлмаса, у холда Буюртмачи **“Даврархитекткурилишназорат”** инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун хақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдорида жарима ундириш хуқуқига эга.

42. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

43. Муддат ўтказиб юборганлиги ёки мажбуриятларнинининг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

## XV. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

44. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда Сирдарё вилояти Иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

## XVI АЛОХИДА ШАРТЛАР

45. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

46. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, хақиқий хисобланади.

47. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган хар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

48. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга хақ тўлашни кечиктиришга хақлидир.

49. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча холлар учун амалдаги қонун хужжатлари нормалари қўлланилади.

50. Мазкур шартнома Ғазначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга киради, 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади ва бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

Ушбу шартнома амалдаги конунчиликка зид эмас. Юрист-маслахатчи В.Нажмитдинов

## XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛЛАРИ.

| ПУДРАТЧИ: | БУЮРТМАЧИ: |
|---|---|
| *“Курувчи ва Таъминотчи” МЧЖ* | *70-МАКТАБ ИНТЕРНАТИ* |
| Манзил: Гулистон шаҳар, Бустон МФЙ 4 мавзе | Гулистон тумани Дехконобод шахарчаси Зиёкор кучаси 75 уй |
| Тел : +99891 509 10 10 | Тел : 796-21-16 |
| Р/с: 20208000705446399001 | Р/с: 100021860242207092300075001 |
| ОКОНХ:61110 | СТИР: 200 307 694 ОКОНХ: 92 310 |
| Банк номи: Агробанк Гулистон филиали. | Банк номи: Марказий банк ХККМ |
| МФО: 00386 ИНН: 308 936 434 | МФО: 000 14 ИНН:201 122 919 |
| М.Ў ____________ И.Равшанова | ____________ М. Маматов М.Ў |

QURUVCHI VA TA'MINOTCHI MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI

"ТАСДИКЛАЙМАН"
Гулистон тумани 70 мактаб
интернати директори:
______________ М.Маматов

# ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ БАЁННОМАСИ

"_19_" август 2022 йил Гулистон тумани

Қатнашдилар :

| | | |
|---|---|---|
| Хаъат раиси: | М.Маматов | 70-мактаб интернат директори |
| Аъзолари : | А. Холжигитов | Укув ишлар буйича директор уринбосари |
| | П. Абдухакимов | Бош хисобчи |
| | М.Бойназаров | Касаба уюшма раиси |
| | А.Намуратов | Хўжалик мудири |
| | Р.Усманова | кадрлар буйича менежер |

## КУН ТАРТИБИ

1. МЧЖ "КУРУВЧИ ВА ТАЪМИНОТЧИ " таклифларни урганиб чикиш;
2. ХК "УНЕВЕРСАЛ БИУЛДЕР" таклифларни урганиб чикиш;

Кун тартибида куйилган масала юзасидан хайат раиси М.Маматов сузга чикиб, йигилиш катнашчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 апрельдаги УРК-684-сонли конуннинг 7-боб 60-моддасининг талабларига мувофик Сирдарё вилояти Гулистон тумани 70-мактаб интернати ошхона биносини мукаммал таъмирланиш ишлари учун МЧЖ "КУРУВЧИ ВА ТАЪМИНОТЧИ " ва ХК "УНЕВЕРСАЛ БИУЛДЕР" лардан таклифлар электрон равишда олинганлигини маълум килади.

Хайат аъзолари хамда таклиф берувчиларнинг вакиллари иштирокида электрон равишда юборилган куйидаги таклифлар берилганлиги маълум булди.

| № | Обектнинг номи ва манзили | Ишларнинг бошлангич нархи | | Пудратчиларнинг таклифи | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Нархи (сўмда ) | Муддати (кун) | Пудрат ташкилоти номи | Нархи (агар ҚҚС бўлса алохида курсатилади сўмда ) | Муддати (кун) |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 70-мактаб интерат ошхона биносини мукаммал таъмирлаш ишлари | 921195068 | 73 | МЧЖ “КУРУВЧИ ВА ТАЪМИНОТЧИ ” | 875135315 | 70 |
| | | | | ХК “УНЕВЕРСАЛ БИУЛДЕР” | 905000000 | 70 |

Хайат раиси: (М.Маматов) ушбу курсатилган таклифни хайат аъзоларига таништирди. Овозга куйиш натижасида Сирдарё вилояти Гулистон тумани 70-мактаб интернат ошхона биносини мукаммал таъмирлаш ишларини бажариш буйича, МЧЖ “КУРУВЧИ ВА ТАЪМИНОТЧИ ”нинг таклифи барча куйилган шартларга мос булганлиги сабабли, шу ташкилот билан 875135315 сумга шартнома тузишга карор килинди.

Харид комиссияси аъзоларида мазкур лот(лар) иштирокчилари билан афилланганлик хусусиятига эга алокалар мавжуд эмас.

Узбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тугрисида”ги Конунининг (УРК-684-сон 22.04.2021 й) 23 моддасига кура, иштирокчи ва унинг аффилланган шахси мазкур лот(ларда) иштирок этмаяпти.

Маълумотлар stat.uz сахифаси оркали текширилди.

Ушбу 22110012134386 сонли лот раками буйича Гулистон тумани 70-мактаб интернати томонидан тасдикланган энг яхши таклифларни танлаш баённомаси юзасидан хеч кандай эътироз ёки норозиликлар юзага келмади.

Овозга куйиш натижасида 5 та овоз билан МЧЖ “КУРУВЧИ ВА ТАЪМИНОТЧИ ”голиб чикди. Юкоридагиларни инобатга олган холда хайат

**КАРОР КИЛАДИ:**

1. МЧЖ “КУРУВЧИ ВА ТАЪМИНОТЧИ ” ва ХК “УНЕВЕРСАЛ БИУЛДЕР” ташкилотларидан тушган таклифлари эътиборга олинсин.
2. Танлов голиби этиб, МЧЖ “КУРУВЧИ ВА ТАЪМИНОТЧИ ” эълон килинсин ва ушбу ташкилот билан 875135315 сумга шартнома тузилиши маъкуллансин.

Хаъат раиси: М.Маматов — 70-мактаб интернат директори

Аъзолари : А. Холжигитов — Укув ишлар буйича директор уринбосари

П. Абдухакимов — Бош хисобчи

М.Бойназаров — Касаба уюшма раиси

А.Намуратов — Хўжалик мудири

Р.Усманова — кадрлар буйича менежер

2022 йил 19 августдаги

2-илова

# Молиялаштириш жадвали

## Гулистон тумани 70-мактаб интернат ошхонаси биносини мукаммал таъмирлаш

Пудратчи: "Қурувчи ва Таъминотчи " МСНJ

Шартнома қиймати: 875135315 сўм

(минг сўмда)

| № | Номи | 2022-йил | Молиялаштириш жадвали | | | Жами |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Август | сентябр | октябр | |
| 1 | Аванс 30% | 262 540 594,500 | 262 540 594,5 | - | | 262 540 594,50 |
| 2 | Бажариладиган ишлар учун | 612 594 720,50 | 612 594 720,50 | | | 612 594 720,50 |
| | ЖАМИ | 875 135 315,0 | 875 135 315,0 | - | - | 875 135 315,0 |

Буюртмачи:

Пудратчи:

***2022 йил 19 августдаги***

***1-илова***

# *Ишларни бажариш жадвали*

***Гулистон тумани 70-мактаб интернат ошхонаси биносини мукаммал таъмирлаш***

***Пудратчи: “Қурувчи ва Таъминотчи ” МСНЈ***

***Шартнома қиймати: 875135315 сўм***

*(минг сўмда)*

| № | Номи | 2022-йил | Ишларни бажариш графиги | | | Жами |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Август | сентябр | октябр | |
| 1 | ҚМИ | 760 987 230,4 | 760 987 230,4 | - | - | 760 987 230,4 |
| 2 | ҚҚС 15% | 114 148 084,6 | 114 148 084,6 | - | - | 114 148 084,6 |
| | **ЖАМИ** | **875 135 315,0** | **875 135 315,0** | | | **875 135 315,0** |

**Буюртмачи:**

**Пудратчи**

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"QURUVCHI VA TAMINOTCHI" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"QURUVCHI VA TAMINOTCHI" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

06.10.2021 1048587 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil)

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 308936434

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Sirdaryo viloyati, Guliston shahri, BO'STON MFY 4-MAVZE.,

Guvohnoma: Sirdaryo viloyati, Guliston shahri, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)

QURUVCHI VA TAMINOTCHI MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI

## Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 134386 на приобретение Сирдарё вилояти Гулистон тумани “Дўстлик” маҳалласи “Зиёкор” кўчаси 75 уйда жойлашган 70 – мактаб интернат ошхонаси биносини мукаммал таъмирлаш

Способ проведения электронный

Дата 16.08.2022

Время рассмотрения 16.08.2022 12:26

Конкурсная комиссия Дехконобод 70 мактаб-интернати, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | MAMATOV MAXMUDJON MUXAMMADOVICH | raxbar | 70 |
| **Секретарь комиссии** | USMANOVA RA’NOXON NABIDJANOVNA | Котиба | Дехконобод 70 мактаб интернети |
| **Член комиссии** | ABDUXAKIMOV PO‘LATJON | hisobchi | 70 |
| **Член комиссии** | NAMURATOV ABDUXAMID JURAKULOVICH | хужалик ишлар мудири | 70 |
| **Член комиссии** | BAYNAZAROV MANSUR ARGINBAYEVICH | комиссия аъзоси | 70 мактаб интернати |
| **Член комиссии** | XOLJIGITOV ANVAR MALIKOVICH | комиссия аъзоси | 70 мактаб интернати |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 16.08.2022 года № лота 134386.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 80

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуги по капитальному ремонту зданий** |
|---|---|
| Подробное описание | Сирдарё вилояти Гулистон тумани “Дўстлик” маҳалласи “Зиёкор” кўчаси 75 уйда жойлашган 70 – мактаб интернат ошхонаси биносини мукаммал таъмирлаш |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 921 195 068.00 |
| Стартовая сумма | 921 195 068.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Солиқ органидан солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Солиқ органидан солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома мавжудлиги

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ЧП UNEVERSAL BIULDER | 8 | 905000000 | 8 | Экспертная | | |
| QURUVCHI VA TAMINOTCHI MCHJ | 8 | 8 | 8 | Экспертная | | |
| ЧП DILNURA FAYZ HAMKOR | 8 | маълумот такдим этилмокда | 8 | Экспертная | | |

Критерий №2 Машина механизмлари тех паспортлари нусхаси, кичик механизмлар

Тип: Текстовое значение

Описание: Машина механизмлари тех паспортлари нусхаси, кичик механизмлар

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ЧП UNEVERSAL BIULDER | 15 | 905000000 | 10 | Экспертная | | |
| QURUVCHI VA TAMINOTCHI MCHJ | 15 | 15 | 14 | Экспертная | | |
| ЧП DILNURA FAYZ HAMKOR | 15 | Маълумотнома такдим этилмокда | 14 | Экспертная | | |

Критерий №3 Ишчи ходимлари руйхати ва паспорт нусхалари

Тип: Текстовое значение

Описание: Ишчи ходимлари руйхати ва паспорт нусхалари

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ЧП UNEVERSAL BIULDER | 10 | 905000000 | 10 | Экспертная | | |
| QURUVCHI VA TAMINOTCHI MCHJ | 10 | 10 | 10 | Экспертная | | |
| ЧП DILNURA FAYZ HAMKOR | 10 | Маълумотнома такдим этилмокда | 10 | Экспертная | | |

Критерий №4 Банкдан картотека 2 мавжуд эмаслиги ҳақида асл нусхада маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Банкдан картотека 2 мавжуд эмаслиги ҳақида асл нусхада маълумотнома

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ЧП UNEVERSAL BIULDER | 7 | 905000000 | 7 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| QURUVCHI VA TAMINOTCHI MCHJ | 7 | 7 | 7 | Экспертная | | |
| ЧП DILNURA FAYZ HAMKOR | 7 | маълумотнома тақдим этилмоқда | 7 | Экспертная | | |

Критерий №5 Корхонани камида 1 та узининг базаси булиши шарт (Кадастр нусхалари илова қилинсин)

Тип: Текстовое значение

Описание: Корхонани камида 1 та узининг базаси булиши шарт (Кадастр нусхалари илова қилинсин)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ЧП UNEVERSAL BIULDER | 17 | 905000000 | 10 | Экспертная | | |
| QURUVCHI VA TAMINOTCHI MCHJ | 17 | 17 | 16 | Экспертная | | |
| ЧП DILNURA FAYZ HAMKOR | 17 | Маълумот тақдим этилмоқда | 5 | Экспертная | | |

Критерий №6 Ташкилот томонидан қилинган ишлари бўйича Давлат қабул қилиш далолатномалари

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилот томонидан қилинган ишлари бўйича Давлат қабул қилиш далолатномалари

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ЧП UNEVERSAL BIULDER | 15 | 905000000 | 15 | Экспертная | | |
| QURUVCHI VA TAMINOTCHI MCHJ | 15 | 15 | 15 | Экспертная | | |
| ЧП DILNURA FAYZ HAMKOR | 15 | маълумотнома тақдим этилмоқда | 15 | Экспертная | | |

Критерий №7 Объектни жойига чиқиб кўрилганлиги ва ўзи таклиф этган суммага розилиги ҳамда ишларни ўз вақтида топшириш тўғрисида розилиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Объектни жойига чиқиб кўрилганлиги ва ўзи таклиф этган суммага розилиги ҳамда ишларни ўз вақтида топшириш тўғрисида розилиги

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ЧП UNEVERSAL BIULDER | 18 | 905000000 | 17 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| QURUVCHI VA TAMINOTCHI MCHJ | 18 | 18 | 17 | Экспертная | | |
| ЧП DILNURA FAYZ HAMKOR | 18 | маълумот такдим этилмокда | 12 | Экспертная | | |

Критерий №8 Курилиш пудрат ташкилоти рахбари курилиш мутахассиси ва мухандиси булиши шарт

Тип: Текстовое значение

Описание: Курилиш пудрат ташкилоти рахбари курилиш мутахассиси ва мухандиси булиши шарт

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ЧП UNEVERSAL BIULDER | 10 | 905000000 | 4 | Экспертная | | |
| QURUVCHI VA TAMINOTCHI MCHJ | 10 | 10 | 10 | Экспертная | | |
| ЧП DILNURA FAYZ HAMKOR | 10 | маълумот такдим этилмокда | 3 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| QURUVCHI VA TAMINOTCHI MCHJ | 921 195 068.00 | 875 135 315.00 UZS | 875 135 315.00 | 00.00 | 875 135 315.00 | 16.08.2022 09:50:24 | 10.00 |
| ЧП UNEVERSAL BIULDER | 921 195 068.00 | 905 000 000.00 UZS | 905 000 000.00 | 00.00 | 905 000 000.00 | 15.08.2022 17:35:25 | 09.67 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| ЧП DILNURA FAYZ HAMKOR | Не прошел | Не прошел | Не прошел |
| QURUVCHI VA TAMINOTCHI MCHJ | 87.3 | 10 | 97.3 |
| ЧП UNEVERSAL BIULDER | 72.9 | 9.67 | 82.57 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 134386 от 16.08.2022 года на приобретение Сирдарё вилояти Гулистон тумани "Дўстлик" маҳалласи "Зиёкор" кўчаси 75 уйда жойлашган 70 – мактаб интернат ошхонаси биносини мукаммал таъмирлаш определила победителем:

QURUVCHI VA TAMINOTCHI MCHJ

308936434

и резервный исполнитель: ЧП UNEVERSAL BIULDER (306732951)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | MAMATOV MAXMUDJON MUXAMMADOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | NAMURATOV ABDUXAMID JURAKULOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | BAYNAZAROV MANSUR ARGINBAYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | XOLJIGITOV ANVAR MALIKOVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП